

ISSN 2010-9075

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛШАҚ  
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ

# ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛШОҚ  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

# АХБОРОТНОМАСИ

# ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



3

НӨКИС 2020 НУКУС

## СОДЕРЖАНИЕ

## ЕСТЕСТВЕННЫЕ И ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

**МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА.  
ТЕХНИКА.**

Айтбаев К.Р. Разработка конструкции отопительного прибора с промежуточным теплоносителем	4
Таджиходжаева М.Р., Косымбетов Б.Е., Даулетов М.Б., Торешов Д.Б. Конструктивные системы в природе и дорожных машинах	7
Mirzataev S.M., Raximberdiyev Q.B., Mirzataeva V.M. Adleman – Lenstrning katta sonlarni tublikka tekshirish algoritmining asimmetrik kriptosistemalar rivojidadagi ahamiyati	9
Уразымбетова Э.П., Казымбетова М.М. Решение оптимизационной задачи коммивояжера с использованием муравьиного алгоритма	12
Турманов И., Алланиязов Ғ., Палўанов Б., Шамуратов М. Токымашылык материалтаныў пәнинин математика менен байлынысы	15

**ХИМИЯ. ТЕХНОЛОГИЯ  
БИОЛОГИЯ. ГЕОГРАФИЯ**

Хасанов А.О., Джолдасов А.Б. Қоңырат-Мойнақ автомобиль жолы бойлап инновацион ландшафт дизайн ислерин шөлкемлестириў мәселелери	18
Махмудова М.М., Караматова Г.Б., Утмурадов Н.А. Potentilla l. туркум турларининг аҳамияти	22
Росабоев А.Т., Утегенов У.А. Бир чигитли пахталарни саралаш учун истикболли йўналишни танлаш	24
Умиров Ф.Э., Музафаров А.М., Умиров У.Ф., Пирназаров Ф.Г. Исследование минерального состава сапонитов учгутского месторождения	29

**ЭКОНОМИКА. ФИНАНС.**

Мадаминов И.О. Худудларда инвестиция фаоллигини ошириш масалалари	32
Қўзйбоев Б.А. Самарканд вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ҳолати, муаммолари ва ечимлари	35
Raximov Z.O., Ismailov N.I. Rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotda raqamlashayotgan turizmning ahamiyati	38
Аюбов И. Ўзбекистон туризм хизматлари бозорида инвестицион муҳитини методологик-услубий асосларини такомиллаштириш	41
Алимова М.Т., Умаров Т.О. Институциональные основы создания и функционирования свободных туристских зон в Узбекистане	45
Халмуратов Қ.И. Давлат ва хусусий сектор шерикчилиги концепсиясининг генезиси	48
Шамуратов А. III. Мехнат бозорида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини жорий этиш	53
Кадирова М.М. Талабаларда иқтисодий кўникмаларни ривожлантиришда интерактив таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари	55
Инятов А., Бабаназарова С. Экономиканы модернизациялаўда инвестициялардың роли хэм аҳмийети	59
Исаков Ж.Я., Халлиева Н. Р. Ўзбекистонда инвестицияларнинг роли ва уларнинг ривожланиш истикболлари	62
Мусалимов Ш. И. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш: хусусиятлари ва ҳозирги замон муаммолари	64
Ситмуратов Т., Қудияров К. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари	70
Ҳасанов Т.А. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хизматларни кўрсатишда профессионал бошқарувчи корхоналар иштирокини кенгайтириш масалалари	72
Ergashev I.I., Mullaeva M.A. Milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirishda investitsiyalar jalb qilishning ustuvor yo'nalishlari va tendensiyalari	74
Тошқулов А. Х. МДХ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш тизими	78
Қаххоров О. С. Олий таълим муассасалари бошқарувининг устувор йўналишлари	85

**ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ.  
ПСИХОЛОГИЯ**

Сагиндикова Н. Дж. Шахс масъулиятининг касбга боғлиқлиги хусусиятлари	93
Абдимуратов Ж.П. Семья-основа благоденствия страны	95
Акимов Н.Т. Гимнастика секциясына балаларды таълап алыў усыллары	97
Альджанова Г. А. Технология проектно-контекстного обучения в системе профессионально-педагогического образования	100
Tosheva D. I. Milliy qadriyatlar - boshlang'ich sinf o'quvchilarini ekologik tarbiyalashning muhim omili	103
Раджабов У.Р. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларини миллий харақатли ўйинлар орқали ривожлантиришни педагогик аҳамияти.	105
Бекмирзаев М. Х., Ўралов А. И. Биологик фанларни ўқитиш технологиялари	109
Каримов З. А. Соғлом турмуш тарзи - репродуктив саломатликнинг асосидир	111
Султанова Г. С. Таълим жараёнида креатив тафаккурнинг аҳамияти	114
Нарметова Ю.К. Бронхиал астма билан касалланган болаларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари	117
Berdimuratov R.Z. O'zbekistonda milliy kurash sport turiga qaratilayotgan imkoniyatlar	120
Қирғизбоев М. М. Юкори малакали белбоғли курашчиларда бўғимлараро эгилювчанликни педагогик тажриба давомидида шакллантириш самарадорлиги.	123
Содиқова Ш.М. Узлуксиз таълим тизимида ёруғликнинг тўлқин хоссаларини намойиш қилишда анимацион моделлардан фойдаланиш	126

малакали кадрлар тайёрлаш давр талабидан келиб чиқиб, устувор вазифалардан бири сифатида мунтазам тараққий этиб бориши учун ҳаётий заруратдир.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат бозорида фаол давлат сиёсатининг амалга оширилиши минтақавий иқтисодийнинг жадал ривожланишига, ижобий таркибий ўзгаришларига олиб келади. Ушбу наутқан-назардан келиб чиққан меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш, бу йўналишда илғор хорижий ўқитувчиларни мамлакатимизга жалб қилиш, жумладан ҳар бир олий таълим муассасалари томонидан жамланилган маблағлар ҳисобидан жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, мамлакатимизда олий маълумотли кадрлар етишмаслиги сабабли, тегишли вазирлик, идоралар билан келишилган ҳолда кадрга бўлган талаблар стратегияси ишлаб чиқилиши ҳамда ушбу стратегия асосида мамлакатдаги барча олий таълим муассасалари фаолияти ташкил этилиши ҳамда ҳамкорлик йўлга қўйилиши зарур.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижга ўқишга кетган ёшларимиз аксарияти Ўзбекистонга қайтмай, чет элларда қолиб кетаётганлигини ҳисобга олсак, мазкур жамғарма ҳисобидан мамлакатимиз ёшларини хорижий давлатларга ўқишга юборишни қисқартириб, юртимизга хорижий давлатлардан малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинса, мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларизамонавий билимларни жойида эгаллашига, яъни ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялашга, юртимиз иқтисодий ва халқ хўжалигининг барча соҳаларини малакали, билимдон мутахассис кадрлар билан таъминлашга, шу йўл билан рақобатбардош иқтисодий шакллантириб, янги, замонавий босқичга қўтаришга эришилар эди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
2. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси» Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь, №19 (7521) 2 бет.

*Мийнет базарында тэжрийбелит кадрларды таярлау системасын таярлау*

*Шамуратов А. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасындагы Мәмлекет басқаруу академиясы*

**Резюме.** Бу мақалада республикамызда мийнет базарын үйрениўде кадрларга болған талап мәселесине итиба қаратылған. Кадрларды таярлаўда билимлендириў системасындагы өзгерислерди хәм келешекте бул системаны жетилистриў мәселелери қозғалған. Сондай-ақ кадрларды таярлаўда сыр ел профессор - оқытўшыларын тартыў хәм жоқары билимли кадрларты таярлаў бойынша усыныслар берилген.

**Таянч сўзлар:** мийнет базары, кәнигели кадрлар, кәнигелик классификаторы, тәлим бағдары, магистратура кәнигелиги, сырткы оқыў, кешки тәлим формасы, кадрга болған талаплар.

*Меҳнат бозорида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини жорий этиш*

*Шамуратов А. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси*

**Резюме.** Бу мақолада республикамызда меҳнат бозорини урганишда кадрларга булган талаб масаласини итибор қаратилған. Кадрларни тайёрлаш таълим тизимидага ўзгаришлар ва келажакда бу тизимни такомиллаштириш масалалри қузғатилған. Шунингдек кадрларни тайёрлашда чет эл профессор – ўқитувчиларини жалб қилиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича таклифлар берилған.

**Таянч сўзлар:** меҳнат бозори, малакали кадрлар, мутахассисликлар классификатори, таълим йўналиши, магистратура мутахассислиги, сиртки таълим, кешки таълим шакли, кадрга бўлган талаблар.

*Внедрение системы подготовки квалифицированных кадров на рынке труда*

*Шамуратов А. Академия управления государство при Президента Республики Узбекистан.*

**Резюме.** В данной статье основное внимание уделяется спросу на персонал при изучении рынка труда в стране. Были затронуты вопросы изменений в системе образования и дальнейшего совершенствования этой системы. Есть также предложения по привлечению иностранных профессоров и преподавателей к подготовке высококвалифицированных кадров.

**Ключевые слова:** рынок труда, квалифицированные кадры, классификатор специальностей, направление образования, магистратура, заочное обучение, форма вечернего обучения, кадровые потребности.

*Implementation of a qualified personnel training system in the labor market*

*Shamuratov A. Listener of the state administration academy under the President of the Republic of Uzbekistan.*

**Summary.** This article focuses on the demand for personnel in the study of the labor market in the country. Issues of changes in the education system and further improvement of this system were raised. There are also proposals for attracting foreign professors and teachers to train highly qualified personnel.

**Key words:** the labor market, qualified personnel, classifier of specialties, the direction of education, master's program, distance learning, the form of evening education, staffing needs.

## ТАЛАБАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ КўНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Кадирова М.М.

Бухора давлат университети

Юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифати биринчи навбатда мамлакатнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатига боғлиқ. 2020 йилни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

томонидан “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб аталиши таълим давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланишига яна бир асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳам таълимнинг давлат сиёсатидаги ўрнини белгилаб беради: таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; - билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш [1,11]. Ушбу тамойиллар бугунги кун талаби яъни баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда, айниқса жаҳон талабларига жавоб бера оладиган етув кадрлар тайёрлашда замонавий таълим-тарбия технологияларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади қилиб, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш этиб белгиланганлиги ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда таълим ва тарбия бешикдан бошланади деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.

Ҳозирги кунда асосий эътибор қаратишимиз лозим бўлган вазифалардан бири - олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ҳисобланади. Шунингдек, халқаро стандартлар асосида ўқитишнинг замонавий усулларидан, фойдаланиш катта аҳамиятга эга” [2]. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу таълим–тарбия жараёнида инновацион ёндашув орқали самарадорликни оширишга қаратилганидир. Илғор педагогик технологиялар дарс беришнинг интерфаол усулларини назарда тутати.

Иқтисодий билимларни беришда - булар мунозара дарслари, иқтисодий музокаралар, ишбилармон ўйинлар, муаммоли ҳолатлар, кейс стабиларини ечиш ва ҳоказолардир. Ушбу усуллар талабаларнинг ижодий фаоллигини оширишда, иқтисодий масалаларни ҳал қилишда, муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари топишда ҳамда талабаларда иқтисодий кўникмаларни шакллантиришда ёрдам беради, ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолиши керак эмас, балки талабалар мустақил ишлаш жараёнининг иштирокчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг менежери бўлиши лозим. Таълим технологиясини ишлаб чиқиш асосида айнан шу ғоялар ётади.

Замонавий шароитда талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини ошириш, ўқитиш сифати даражасини кўтариш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда вебинарлар, эвристик методлар, интерфаол таълим, иқтисодий ўйин, модул-кредит тизими, **масофали ўқитиш**, blended learning (аралаш ўқитиш) ва **махорат дарслари таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда** [3,44].


**Вебинарлар** – онлайн тарзида ўтказиладиган тadbирлар бўлиб, «webinar», қисқача инглизча «Web-based seminar» дан олинган web-технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган: онлайн-семинар, маъруза, курс, такдимот ва бошқалардир. Бунда ҳар бир иштирокчи унинг қаерда бўлишидан қатъий назар ўз компьютери билан жараёнда қатнашади.

**Эвристик методлар** - эвристик метод ўқитувчилардан ижодий хусусият талаб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира олиш имкониятига эга бўладилар ва уларда иқтисодий кўникмалар шаклланади. Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш; ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатил;	ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш; тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатилда фаоллик кўрсатиш;
ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш	уларни ечиш усулларини топиш; тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш

**Интерфаол таълим** - таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли сифатида эътироф этилаётган таълим тури ва ўқитиш шакли ҳисобланади. Интерфаол таълим (ингл. “interact”, рус. “интерактив”; “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ) – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим. Бунда ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро мулоқот ва фикр алмашинувлар тарзида таълим жараёни амалга оширилади.

Машгулотлар жараёнида интерфаол таълим технологияларни қўллашда ҳар бир педагогдан маълум даражада куйидаги омилларга эга бўлмоғи талаб этилади:



**1-чизма. Интерфаол таълим самарадорлигини таъминловчи асосий**

Энг оммавий интерфаол таълим технологиялари сифатида куйидагилар саналади:

**Интерфаол методлар:** “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва б.

**2. Стратегиялар:** “Ақлий хужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган кор”.

**3. График органиайзерлар:** “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?”

Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади. Ушбу методларга куйидагиларни киритиш мумкин:

Иқтисодий ўйин – бугунги кун ёшларини таълим жараёнига қизиқтиришнинг энг самарали методларидан бири ҳисобланиб, бу усулни қўллаш ўқитувчидан ташаббускорлик ва ижодкорликни талаб этилади. Машгулотларда фойдаланиш мумкин бўлган ўйинларни биз 3 та асосий турга бўламиз. Булар:

Музёрап (Ice breaker) ўйинлар;

Ҳаракатли (Energizer) ўйинлар;

Жамоавий (Team building) ўйинлар.

Музёрап (Ice breaker) ўйинлар – янги гуруҳ, янги жамоа ва таълим берувчи ўртасидаги кўринмас тўсиқ ва ишончсизлик хиссини йўқотишга қаратилган ўйинлар бўлиб, ўзаро алоқани ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳаракатли (Energizer) ўйинлар - диққатни чалғитиш, мия мушакларига дам бериш, тана мушакларини ҳаракатга келтириш ва кайфиятга ижобий таъсир этишга қаратилган ҳаракатли ўйинлар ҳисобланади.

Жамоавий (Team building) ўйинлар - ишлаб чиқаришда фаол фойдаланиладиган, жамоада ишлаш, уни жиқлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўйинлардир. Бу типдаги ўйинлар таълим олувчиларни номаълум ҳолатларда ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиради ва жамоада ишлаш сирларини ўргатади. Таълим олувчилар орасидан лидерлар ва вазифа бажарувчиларни ажратиш олишга ёрдам беради.

**Масофали ўқитиш** - замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммавийлашиб бораётган шакли саналади. Замонавий шароитда ахборот-коммуникацион технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим жараёнида уларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароитни вужудга келтирди. Айни пайтда етакчи хорижий мамлакатларда масофадан ўқитиш борасида бой тажриба тўпланган.

Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Замонавий педагогик, ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулларида бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммоларнинг катта қисмини ҳал этиши керак. Масофали ўқитишда таълимнинг сифатини сақлаш муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

**Blended learning (аралаш ўқитиш)** замонавий таълимнинг нисбатан янги, бироқ, тобора оммалашиб бораётган шакли саналади. Онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шаклидир. Ушбу шаклдаги ўқитиш жараёнида талаба мустақил таълим олади, ammo айни вақтда унга гуруҳ ва ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатилади. Гуруҳли машғулотлар давомида “blended learning” (аралаш ўқитиш)нинг қўлланилиши туфайли ҳар бир талаба ўқув материалларини ўзлаштириш борасида ўзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни намоён этган ҳолда мулоқот кўникмаларини ўзлаштириб боради, ўтилган материалларни такрорлайди ва янги мавзунини ўрганишга тайёрланади.

**“Ақлий ҳужум” методи** – муайян муаммо ечиш учун талабалар ўртасига қўйилади. Унда ҳар бир гуруҳ ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилади ва хулоса чиқарилади.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар биргаликда қийин масала ёки муаммони ечадилар. Иложи борича кўпроқ гоёлар таклиф этилиб, улар танқид остига олинмайди. Бу усулнинг афзаллиги ҳам шундан иборат бўлиб, ҳар қандай гоё, ҳатто мантисизлари ҳам ҳисобга олинади. Уларнинг ҳаммаси ёзилади, таҳлил қилинади, баҳоланади ва шундан кейингина улар ичидан энг самарали, оптимал рационал ечими танлаб олинади.

#### **Т –жадвал:**

Мавзудаги тараккиёт босқичларини билишда турли хил концепциялар:

- тарихий-формацион ;
- маданийлашиш (цивилизация) даражаси жиҳатдан;
- техника ва технологик тараккиёт даражаси жиҳатидан;
- социал-иқтисодий шакллар ўзгариши жиҳатидан ёндашув концепцияларни ўзаро солиштириш (ха/йўқ, ха/қарши) модули асосида дарс олиб бориш талабаларда танқидий мушоҳадани ривожлантиради.

#### **Кейс стади:**

Иқтисодиёт назарияси фанида “Мулкчилик, товар пул муносабатлари” мавзусини ўқитишда қўйилган савол, мауммо, масалалар бўйича талабаларни қарор қабул қилишга ўргатишда муаммоли вазият ҳосил қилиб, уни ечишни ўрганиш усули.

Дарс ўтишда бошқа қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гуруҳнинг тайёргарлигига қараб қўллаши мумкин [4].

“Мулкчилик, товар пул муносабатларининг шаклланиши” мавзусини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, "Excel" электрон жадваллар дастурларидан фойдаланилади. Мавзу бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. “Интернет” тармоғидаги расмий иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралик ва якуний назоратлар ўтказилади.

Демак, ҳозирги шароитда таълим амалиётида лойиҳа ҳамда таълим технологияларининг қўлланилиши ўқитиш жараёнини самарали кечишини таъминлаш билан бир қаторда талабаларда мустақил, танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга нисбатан қўйилаётган ижтимоий талаблар ўқитувчилардан лойиҳа ва муаммоли таълим технологияларини ўқитиш жараёнида мақсадли, самарали ташкил этишни талаб этади.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 29 август. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил. 24 январ. www.lex.uz.
3. Файзуллаева Д.М., Лутфуллаева Н.Х. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа, ТДИУ. Тошкент – 2016. - 244 б.
4. Кадирова М.М. Талабаларда иқтисодий кўникмаларни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида, Педагогик маҳорат, 4-сон, 2019 й. Бухоро, 23-26 бетлар.

*Талабаларда иқтисодий кўникмаларни ривожлантиришда интерактив таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари*

*Кадирова М.М. Бухора давлат университети*

**Резюме.** Мақолада талабаларда иқтисодий кўникмаларни ривожлантиришда таълимнинг интерфаол технологиялари ва методларидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, иқтисодий фанларни ўқитишда кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган интерактив методларни роли изоҳланган.

**Таянч сўзлар:** таълим, тарбия, ривожланиш, иқтисодиёт, таълим ислоҳоти, интерактив, технология, метод, муаммоли таълим, вебинар дарс, график органайзерлар, стратегиялар, эвристик методлар.

*Возможности использования интерактивных образовательных технологий в развитии экономических навыков у студентов*

*Кадирова М.М. Бухарский Государственный Университет*

**Резюме.** В статье анализированы возможности использования интерактивных технологий и методов образования в развитии у студентов экономических способностей. Также, приводится объяснение роли интерактивных методов, которые служат развитием способностей в обучении экономических предметов.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, развитие, экономика, образовательная реформа, интерактив, технология, метод, проблемное образование, вебинарный урок, график органайзеры, стратегия, эвристические методы.

*Possibilities of using interactive educational technologies in developing economic skills of students*  
*Kadyrova M.M. Bukhara State University*